

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил 7 октябрь ойининг 7 кунини жиноят ишлари бўйича Избоскан тумани суди (биносидан ошдик суд мажлисида) раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг раиси Н.Зайнабидинов, судья ёрдамчиси М.Мамасидиқовнинг ётиблигида, тарафлардан Избоскан туман прокурори Х.Қобулов, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED]нинг иштирокида,

PDF



[REDACTED],
19 [REDACTED] йил [REDACTED] да [REDACTED] туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, [REDACTED], [REDACTED], муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб ҳулоқ атворда бўлиш тўғрисидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганга оид № 1-1708-1901/69 -сонли ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] 2019 йил 6 август куни соат 15:30 ларда ҳозирда амалда бўлган йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини 53-моддасида «ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб утиш ва айланиб утиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак» деб кўрсатилган, 77-моддаси 1-хатбошисида «ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси юкнинг хусусияти ҳамда ҳолати, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги қуринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бонқариши керак» деб кўрсатилган ҳамда 77-моддаси 3-хатбошисида «ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи анқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсикни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф тўғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини куриш керак» деб кўрсатилган, 82-моддаси 1-хатбошида «ҳайдовчи қувиб ўтишни бошлашдан олдин, ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш эканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаракатланишга хавф тўғдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаслигига; 4-хатбошида қувиб ўтишни тугаллаётганда қувиб ўтилаётган транспорт воситасига ҳалақит бермасдан илгари эгаллаган бўлакка қайтиб ўта олишига

ишонч хосил қилшли шарт» деб кўрсатилган талабларини кўпол равишда бўзиб, бошқарувида бўлган “Спарк” русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинасида, Избоскан тумани, Қуғай МФИ худудидан ўтган Пойтуғ-Чувама транспорт қанов йўлининг Чувама йўналишида ҳаракатланиб кетаётган, ўзи билан бир йўналишда кетаётган “Дамас” русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинаси чап томонга бурилаётган вақтида орқа тарафига уриб юбориши натижасида “Дамас” автомашинаси ағдарилиб кетиб, “Дамас” автомашинасида йўловчи сифатида ҳаракатланиб келаётган [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED] турли даражадаги жароҳатлари олишга сабабчи бўлиб, эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этган.

Иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 12.08.2019 йил кунги 4148-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] оғир тан жароҳати етказгани аниқланган.

Иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 12.08.2019 йил кунги 4153-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] енгил тан жароҳати етказгани аниқланган.

Иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 12.08.2019 йил кунги 4152-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] енгил тан жароҳати етказгани аниқланган.

Иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 12.08.2019 йил кунги 4149-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] га енгил тан жароҳати етказгани аниқланган.

Иш бўйича ўтказилган суд-товаршунослик экспертизасини 10.08.2019 йил кунги 266-сонли хулосасига кўра [REDACTED] га тегишли бўлган “Дамас” русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинасига 7.764.977 сўм миқдоридаги моддий зарар етказилганлиги аниқланган.

Иш бўйича ўтказилган суд-товаршунослик экспертизасини 10.08.2019 йил кунги 267-сонли хулосасига кўра [REDACTED] га тегишли бўлган [REDACTED] белгили автомашинасига 2.180.830 сўм миқдоридаги моддий зарар етказилганлиги аниқланган.

[REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймондалиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи, фуқаровий даъвогарлар ҳамда жаболанувчи қонуний вакилига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи, фуқаровий даъвогарлар ҳамда жаболанувчи қонуний вакилининг қонуний вакили билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи қонуний вакили [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] ов суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси

йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин деб кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED], жабрланувчи қонуний вакили [REDACTED], фуқаровий даъвогар [REDACTED] ва [REDACTED], судланувчи [REDACTED]нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Избоскан туман прокурор Х.Қобулов, судланувчи [REDACTED]ни ҳимоячиси адвокат [REDACTED]нинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили, судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакилини хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED], жабрланувчи қонуний вакили [REDACTED], фуқаровий даъвогар [REDACTED] ва [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 3-қисмига асосан ушбу ярашув суд ҳолатидан тасдиқлангандан сўнг, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишларини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л А Д И

[REDACTED] га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

[REDACTED] га қўлланилган муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] жабрланувчи қонуний вакили [REDACTED], фуқаровий даъвогар [REDACTED] ва [REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига хусусий тартибда шикоят ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Н.Зайнабидинов